

ТОШКЕНТ ОҚШОМЛИ

2009 йил, 9 март, Душанба

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 47 (11.358)

Баҳоси эркин нарҳда

XXI АСР САДОСИ
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

- Фарғонада «Энг фаол маънавият тарғиботчиси» танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Қизгин баҳслардан сўнг Кува тумани халқ таълими бўлими ходими Х. Обидова ғолиб деб топилди ва танловнинг республика босқичига йўлланма олди.
- Андижон вилояти Хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан юрт равнақи ва ёш авлод тарбиясига катта ҳисса қўшган, табарруқ ёшли онахонларни қўллаш, уларнинг хурматини жойига қўйиш мақсадида «Табарруқ онахонларимизни эъзозлайлик» номи саховат акцияси ўтказилмоқда. Хусусан, куни кеча ташаббускорларнинг саъй-ҳаракатлари билан вилоят туманларида яшаётган юз ва ундан улуғ ёшли онахонлар аниқланиб, уларга ташкилотчиларнинг совғалари топширилди.

- «Камолот» ЁИХ Самарқанд вилояти Кенгаш, вилоят хотин-қизлар кўмитаси, маданият ва спорт ишлари бошқармаси ҳамда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси билан ҳамкорликда Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан ёш хотин-қизлар ўртасида «Соғ танда — соғлом ақл» шиори остидаги спартакиаданинг вилоят босқичини ўтказди.
- Халқаро хотин-қизлар кунига бағишлаб Андижон вилоят қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ҳамда жисмоний тарбия ва спорт жамияти ташаббуси билан аёллар спартакиадаси ўтказилди. Андижон Давлат университети майдонларида бўлиб ўтган баҳсларда турли соҳаларда меҳнат қилаётган аёллар волейбол, стол теннис, шахмат, шашка, югуриш ва арқон тортиш бўйича ўзаро беллашдилар.

- Жарқўрғонда Ўзбекистон ва Туркия ҳамкорлигида 450 минг АҚШ доллари микдорига маблағ ажратилиб янги қўшма корхона ташкил этилди. У қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қуритиш ва қайта ишлаш билан шуғулланади. Бир кунда қўшма корхонада 24 тонна маҳсулот қуритилиб, унга асосан маҳаллий ёшлар ишга олинапти.
- Жиззах вилоятида Наврўз умумхалқ байрами арафасида «Баҳор тароналари» кўрик-танловининг вилоят босқичи ўтказилди.
- Булоқбоши тумани бандликка кўмаклашувчи маркази ва туман ҳокимлиги, туман прокуратураси, «Камолот» ЁИХ туман бўлими кенгаши томонидан Булоқбоши қишлоқ фуқаролар йиғинида «Бўш иш ўринлари» ярмаркаси ўтказилди. Унда тумандаги корхона, ташкилот, муассаса ва кичик корхоналар 64 та бўш иш ўринлари билан қатнашди. Таъдбир давомида 42 нафар киши иш билан таъминланди, 16 нафар фуқаро эса бандликка кўмаклашувчи марказ маслаҳати билан ишга жойлашишга йўлланма олди.

- Британия ҳарбий базасига уюштирилган ҳужумни Ирландия республика армиясининг гуруҳи ўз бўйига олди.
- Кеча Мадагаскар армияси мамлакат президентига бўйсунушдан бош тортиб исён кўтарди.
- Жанубий Корея ва АҚШ ҳарбийларининг ҳамкорликда ҳарбий машқларни бошлаши муносабати билан Шимолий Корея армияси тўла жанговар тайёргарлик даражасига келтирилди.
- Таиланднинг жиноий ишлар бўйича судида ноқонуний қурол савдоси билан шуғулланганликда гумон қилинаётган Россия фуқароси В.Бутни АҚШга экстрадиция қилиш масаласи кўриб чиқилмоқда.
- Ямаиканинг қурорт ҳудудида жойлашган тунги клублардан бирида рўй берган отишма чоғида тўрт киши ҳалок бўлди, яна шунча киши турли даражадаги тан жароҳатларини олди.
- Кеча Косовода сербларнинг маҳаллий полиция билан тўқнашув чоғида 50 киши жабрланди.
- Австралиянинг Квинсленд штатида 5-даражали «Хамеш» тропик бўрони яқинлашаётгани муносабати билан фавқулодда ҳолат эълон қилинди.
- Индонезия соғлиқни сақлаш вазирлиги маълумотларига кўра, мамлакатда «Н5-Н1» штамми парранда гриппи вирусини юқтирганлар сони тобора кўпаймоқда. Айтилган вақтда ушбу касаллик туфайли вафот этганлар сони юздан ошган. Мутахассисларнинг сўзларига кўра, ҳозир бундай ҳолат асосан Миср, Индонезия ва Вьетнамда кўпроқ учрайди. Мазкур мамлакатларда эпидемия авж олиб бораётгани туфайли парранда гриппи вирусининг тарқалишига қарши курашнинг стратегик режаси ишлаб чиқилмоқда.
- Халқаро ҳаво транспорти ассоциацияси (IATA) маълумотларига кўра, 2008 йилда барча авиаташувчилар томонидан кўрилган зарарнинг умумий миқдори 8 миллиард долларни ташкил этди. Таъкидлаш керакки, ушбу зарарнинг тенг ярмиси ўтган йилнинг тўртинчи чорагига тўғри келади.

ЖАҲОНДА

«ЖАР» СПОРТ-СОҒЛОМЛАШТИРИШ МАЖМУАСИДА СТОЛ ТЕННИСИ БЎЙИЧА «КАМОЛОТ» МАЛИКАСИ» МУСОБАҚАЛАРИНИНГ ФИНАЛ БОСҚИЧИ ЯҚУНЛАНДИ. ЎЗБЕКИСТОН «КАМОЛОТ» ЁШЛАР ИЖТИМОЙ ҲАРАКАТИ, РЕСПУБЛИКА ХОТИН-ҚИЗЛАР КЎМИТАСИ, МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ, ХАЛҚ ТАЪЛИМИ, ИЧКИ ИШЛАР, СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИКЛАРИ, ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ МАРКАЗИ, «МАҲАЛЛА» ВА БОЛАЛАР СПОРТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМҒАРМАЛАРИ, ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ТЕЛЕРАДИОКОМПАНИЯСИ ҲАМКОРЛИГИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ТАДБИРДА ТАНЛОВНИНГ ВИЛОЯТ БОСҚИЧЛАРИДА ҒОЛИБ ЧИҚҚАН ЭЛЛИК ОЛТИ НАФАР ҚИЗ ЎЗАРО КУЧ СИНАШДИ.

Танлов

ДИЛАФРЎЗ ВА ФЕРУЗА — «КАМОЛОТ» МАЛИКАЛАРИ

Улғайиб келаётган авлодни жисмоний ва маънавий баркамол этиб вояга етказиш Президентимиз Исрол Каримов юритаётган сиёсатнинг устувор йўналишларидандир. Бу борадаги ислохотлар жараёнида навқирон авлодга жаҳон андозалари даражасида таълим бериш, ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, спортни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётди.

Наманган вилоятининг Чуст туманидаги 9-мактаб стол теннис тўғрагида қатнашаётган спортчи қизлар мамлакатимиз ва халқаро миқёсдаги танловларда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилмоқда. 15 ёшли Дилафрўз Жумаева ана шундай иқтидорли ёшлардан бири. У «Умид ниҳоллари» ва бошқа спорт мусобақаларида совринли ўринларга сазовор бўлган. Дилафрўз Жумаева 15-16 ёшли қизлар орасида «Камолот» маликаси» мусобақаси финал босқичининг ғолиби бўлди.


Ушбу ютуғини ота-онам, муаллимларим ва мураббийларимнинг менга берган таълим-тарбияси натижаси, деб биламан, — дейди Д.Жумаева. — Мамлакатимизда биз, ёшларга яратилаётган имкониятлардан самарали фойдаланиб, стол теннис мусобақаларида юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиш ниятидаман.

17-18 ёшли қизлар ўртасида бухоролик Феруза Нарзуллаева танлов ғолиби бўлди. Феруза қатнаётган Бухоро шаҳридаги биринчи болалар ва ўсмирлар спорт мактабидан 4 юз эллик нафардан зиёд ёшлар спортининг бир неча тури билан шуғулланмоқда. Малакали мураббийлар ёшларни жисмоний чиниқтириш ва истеъдодини намойиш этишида яқиндан кўмаклашмоқда. Шу боис ушбу маскандан қўллаб-қувватловчи спортчилар этишида чинқомади.

Тошкентлик Мария Тихонова, хоразмлик Сайёра Матқаримова иккинчи, пойтахтимизнинг яна бир вақиласи Александра Саломченко ва сирдарёлик Азиза Эгамбердиева учинчи ўринни эгаллади.

Баҳор ХИДИРОВА, Ўза мухбири

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ЖАМИЯТДАГИ МАВҒЕИНИ МУСТАҲҚАМЛАШ, УЛАРНИ ҲАР ЈИҲАТДАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА РАҒБАТЛАНТИРИШ, ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯЛАШ ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВ РАҲНАМОЛИГИДА ЮРИТИЛАЁТГАН СИЁСАТНИНГ МУҲИМ ЙЎНАЛИШЛАРИДАНДИР. ЗЕРО, МАМЛАКАТИМИЗНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШДА, ИСЛОХОТЛАР ВА ЎЗГАРИШЛАРНИ ЯНАДА ЧЎҚУРЛАШТИРИШДА, ҚИШЛОҚ ВА ШАҲАРЛАРИМИЗНИНГ ҚИЁФАСИ ЎЗГАРИБ, ЧИРОЙ ОЧИБ БОРАЁТГАНИДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ЎРНИ ВА РОЛИ ТОБОРА ОРТИБ БОРАЁТГАНИ БУНИНГ ЁРҚИН ДАЛИЛИДИР.

Шу кунларда юртимизнинг барча ҳудудларида 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни кенг нишонланмоқда.

6 март куни хотин-қизлар кўмиталари фаоллари, фан, таълим, маданият ва санъат соҳасида самарали меҳнат қилаётган хотин-қизлар Мустақиллик майдонидаги хурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи — Мустақиллик ва эзгулик монументи пойга гуллар қўйдилар.

Шу кун «Туркистон» саройида Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Таъдбирга турли соҳаларда меҳнат қилаётган аёллар, онахонлар, жойлардаги хотин-қизлар кўмиталари фаоллари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибалари, жамоатчилик вакиллари тақлиф этилди.

Сарой фойсесида «Кўли гулдир ўзбек аёли» деб номланган кўргазма ташкил этилди. Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ва Ўзбекистон Бадий академияси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу кўргазмага юртимизнинг барча ҳудудларида самарали фаолият кўрсатаётган расом ва хунарманд аёлларнинг ижод намуналари қўйилган. Санъатнинг барча соҳалари каби бадий ижод ва миллий хунармандлик йўналишида фаолият кўрсатаётган хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш, янги ижодий парвозлар сари даъват этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу жиҳатлар мазкур кўргазмада ҳам ўз ифодасини топган. Бу ерда расомлик билан бирга миллий хунармандликнинг каштачилик, чеварлик, қуллолик, заргарлик, ёғоч ўймакорлиги каби йўналишларида фаолият олиб бораётган аёлларнинг ижоди билан танишиш мумкин.

Тантанали йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокими А.Тўхтаев очди. Ўзбекистон Республикаси Президентини Исрол Каримовнинг Ўзбекистон хо-

НАҲОСАТ ВА ГЎЗАДЛИК БАЙРАМИ



ниқса, қишлоқ жойларида хотин-қизларнинг таълим олиш, меҳнат қилиш шароитини янада яхшилаш, қасаначиликни ривожлантириш, аёлларни тадбиркорлик ҳаракатига кенг жалб этишга доир ибратли ишлар ҳажми сезиларли даражада ортиб бораётди. «Қишлоқ тарқиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури доирасида юртимизнинг олис ҳудудларида ҳам қасаначиликни кенг жорий этиш, аёллар ўртасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, уларга имтиёзли микрокредитлар ажратишни кенгайтириш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга оид чора-тадбирлар амалга оширилаётгани диққатга сазовор.

Тадбирда Президентимиз Исрол Каримов қарорига мувофиқ адабиёт, санъат, фан, таълим, маданият соҳаларида эришган алоҳида ютуқлари учун Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланган бир гуруҳ қизларга ана шу юксак мукофотлар тантанали топширилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари, халқ шоири Сирожиiddин Саййид хотин-қизлар байрам билан кутлади. Ўзининг янги шеърини ўқиб берди.

Зулфия номидаги Давлат мукофотининг бу йилги соҳибалари Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети қошидаги 1-академик лицей талабаси Қумар Бегниязова, Тошкент давлат шарқшунослик институти қошидаги хорижий тиллар академик лицейи ўқувчиси Зумрад Тазетдинова, Қашқадарё вилояти Қасби туманидаги 26-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Насиба Шарипова хотин-қизларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаоллигини оширишда кўрсатаётган эътибор ва ғамхўрлиги учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирдилар.

Кечада санъат усталари ва ижрочи ёшларнинг байрам концерти намойиш этилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев, Олий Мажлис Сенати Раиси И.Собиров, Қонунчилик палатаси Спикери Д.Тошмухамедова иштирок этди.

Назокат УСМОНОВА, Ўза мухбири
Мухаммад Амин (Ўза) олган сурат.

Қасқа сатрларда

- **ЎТГАН** куни 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан мамлакатимиз вилоятларидан пойтахтимизга келган бир гуруҳ фаол хотин-қизлар Мустақиллик майдонида ҳамда Темурийлар тарихи
- Давлат музейига экскурсия қилишди.
- **ЎТГАН** куни Уч-тепа туман ҳокимлигида фаол аёллар иштирокида ўтказилган таъдбир «Аёл — менинг нигоҳимда» деб номланди.
- **ЎТГАН** куни Бек-

- темир туманида «Ҳамиша эъзоздасиз» мавзусида Халқаро хотин-қизлар кунига бағишлаб ўтказилган тадбирда туманнинг фаол аёллари иштирок этишди.
- **РЕСПУБЛИКА** пединатал марказида шифокорлар иштирокида ўтказилган тадбир оналик ва болаликни муҳофаза қилишда она сутининг аҳамиятига бағишланди.
- **РЕСПУБЛИКА** «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгашида жорий йилда Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлган қизларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.
- **МИРЗО** Улуғбек

- асарлари асосида тайёрланган концерт дастури намойиш этилди.
- **ШАҲРИМИЗДА** «Боғистон» нон корхонасига харидорларга сифатли нон етказиб бериш мақсадида хориждан замонавий технологик линиялар келтирилди.
- номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талабалар, ўқитувчилар иштирокида ўтказилган тадбир «Сен барибир муқаддасан аёл» деб номланди.
- **ГЛИЭР** номидаги Республика мусиқага ихтисослашган академик лицейида Шопен

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).



Жахон ва маҳаллий ахборот воситалари хабарлари асосида тайёрланди

● АҚШнинг Сан-Диего шаҳрининг дўконларида ажойиб ботинка пайдо бўлди. У саёатчилар учун мўлжалланган. Оёқ кийимда сайр учун керак бўладиган барча нарсалар мавжуд. Битта ботинкада компас, сайёҳлик фонари, олди тарафда эса пул ва дори сақланадиган махсус сув ўтмайдиغان чўнтак бор. Бундан ташқари унга маҳаллий харита ҳам жойланган. Бундай ажойиб ботинка саёатчиларга жуда асқотади.

● Лондон мактабларидан бирида жисмоний тарбия ўқитувчисини машғулоти кроссовка ва тренировка учун мўлжалланган шимда ўтказгани учун ишдан ҳайдашди.

● Чэжэнь университетининг талабаси ОАВ ёрдамидан фойдаланган ҳолда 5 тонна мандарин сотиб, шартнома пулини ва келгусидаги харажатларини қоплашга етadиган даражада даромад қилди, дея хабар беради Ananova сайти. Сяобиннинг келиб чиқиши камбағал кишлоқ оиласидан бўлиб, талаба келгуси ўқув семестри учун шартнома пулини тўлаш имкониятига эга эмасди. Сяобиннинг айтишича, бу йил кишлоғида цитрус меваларининг ҳосили яхши бўлган, бироқ мандаринлар иқтисодий муаммолар ҳамда цитрус меваларга зарарқунанда ҳашаротлар тўшгани ҳақидаги узук-юлук гаплар тўғрисида сўзланган. Сяобиннинг отаси ечимсиз вазиятдаги ўғлига йиллик ҳосилнинг учдан бир қисмини беради. Усмир эса ОАВ ёрдамида бошдан ўтган воқеаларни кенг жамоатчиликка хикоя қилади ва мандаринни сота бошлайди. Бундан хабар толган маҳаллий компаниялар ва аҳоли цитрусларни қутиси билан сотиб ола бошлайдилар. Талаба бир соатда барча маҳсулотини сотиб тугатди.

● Жорий йилнинг март ойида Флоренцияда «Галилей: антик дунёдаги Коинот тасвиридан телескопгача» номи кўргазма бўлиб ўтади. Кўргазма экспонатлари қаторидан Галилео Галилейнинг ўнг қўлидаги ўрта бармоғи ҳам оқиб олган. Бу ҳақда The Daily Telegraph хабар беради. Экспонат мрамар асосга қотирилиб, билур идишда намойиш этилади. Шунингдек, кўргазмада Галилей осмонга оид илк тадқиқотларнинг 400 йиллигига бағишланган 250 дан ортиқ нарсаси бўлган ҳам намойиш этилади. Ушбу бармоқ — олимнинг саклиниб қолган ягона тана аъзоси ҳисобланади. Бармоқ 1737 йилда олимнинг хоки Флоренция чerkовининг мақбарасига қўйиб қўйилган пайтда олиб қолинганди. Италиялик ва британиялик олимларнинг 2009 йилнинг февраль ойида берган маълумотларига кўра, фалакитшуноснинг қабри тез орада очилиши мумкин. Тадқиқотчилар эса унинг тана қолдиқлари ёрдамида ДНКсини текшириб қўришади. Бу кўпчилик томонидан эътироф этилаётган Галилейнинг қўриш органларининг тўғра шартланганлиги ҳақидаги назарияга ойдинлик киритади. Олимларнинг таъкидига кўра, айнан ана шу оми 1610 йилда телескоп орқали Сатурни кузата туриб, сайёралар ҳалқасини қандайдир доғлар, деб қабул қилишига сабаб бўлган.

● Аргентинада мушуклар галаси бир ёшли болани кутқариб қолди. Болани ариқ чўқурлигида 8 мушук атрофидан топишди. У умуман қаралмаган ва ҳолсиз ҳолатда эди. Полициячиларнинг фикрича, болани совуқ тунларда мушуклар сақлаб қолган, балки қандайдир егулик билан ҳам сийлашган. Боланинг отаси ишсизлиги аниқланган. Унинг сўзларига қараганда фарзандини уч кун ёки ундан ҳам кўп кўрмаган. Отаси болани олиш учун касалхонага 5 фарзанди билан борган. Унинг қайтариб берилишини талаб қилган. Аргентина қонун-қоидаларига кўра боланинг танасида жисмоний ҳужумнинг излари бўлмаганлиги учун уни отасига қайтариб беришди.

● Львовда иқтисодий тангликка қарши қаҳвахона очилди. Бинони антика услубда безатишган. Макарон, консервалар, арзон нарҳдаги сигаретлар ва уч литрли банка ичига солинган пуллар осиб қўйилган. Буларнинг маъноси эса кийинчиликларни фақатгина жамғариб қўйиб эришиш мумкинлиги тимсоли кўрсатилган. Бундан ташқари турли хил шпорнома сўзлар осилган.

● Ташрифт буюрган хўрандаларга ёгда қовурилган нон бурдалари билан қарам шўрва, картошка ва туҳум берилади. Махсус таомнома сифатида қўрилган нонни тақлиф этишади. Қайлали ноннинг нархи 5,55 гривна туради. Қаҳвахонада кайтим тарзида танга ёки писта берилади.

● Жаҳонга машҳур бўлган ичимликлар ишлаб чиқарувчи Coca-Cola «Ярило» савдо белгиси остида квас ишлаб чиқарувчи Запорож алкогосиз ичимликлар заводини сотиб олди. Бу компанияга Украинадаги квас ишлаб чиқарувчи ташкилотлар қаторига қўшилиш имконини беради, деб ёздади «Коммерсант-Украина». Келишув киймати эълон қилинмаган. Нарҳда келтирилишича, Coca-Colaнинг бу савдонини амалга оширишига «Ярило» ёрлиги билан ишлаб чиқариладиган ичимликка қизиқиш сабаб бўлган. Эслатиб ўтамиз, Coca-Cola Россия квас бозорига 2007 йилдан бўён ишлаб келади. Компания ўзининг «Кружка и бочка» савдо ёрлиги остида Перм ва Твер заводларида квасни қайта қўяди.

— Давлатимиз раҳбари шу йил 16 январь кўни бўлиб ўтган Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Хомийлик кенгашининг навбатдаги йилгида келажак авлодининг соғлом бўлиши аввало аёлга боғлиқ эканини таъкидлади. Мамлакатимизда хотин-қизларнинг оила ва жамиятдаги маъқеини ошириш, уларга билим олиш ва касб эгаллаш, иқтисодий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётда фаол иштирок этиш учун барча шароитларни яратишга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Зеро, фақат билимли, ўз соғлиғи ва оиласи ҳақида ғам-ҳўрлик қилмайдиган, келажакка интилган аёл вояга етганида халқимиз ора-умидларини оқлайдиган фарзандларни тарбиялаши мумкин.

Мустанкилик йилларида Президентимиз Исло Каримов раҳномалигида ушбу мақсадларга эришиш йўлида кенг қўламли, мислсиз ишлар бажарилди, бир қатор муҳим давлат дастурлари амалга оширилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, хотин-қизлар ва болалар манфаатларини рўйбга чиқариш, жисмонан соғлом, маънан баркамол ёш авлодининг туғилиши ва тарбияланиши, оилаларни иқтисодий муҳофизат қилиш учун зарур ҳуқуқий ҳамда иқтисодий шароитларни яратмоқда. Мазкур йўналишдаги хайрли ишларда Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ҳам фаол иштирок этмоқда. Юртбошимизнинг 2004 йил 25 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини кўллаб-қувватлаш бора-сидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони ушбу ишлар қўламини кенгайтиришга муҳим дастур берган бўлмоқда.

— Бугун бу борада қандай ишлар амалга ошириляётгани ҳақида сўзлаб берсангиз. — Хотин-қизлар ва оилаларнинг тиббий маданиятини юксалтириш ушбу йўналишлардан бири ҳисобланади. Бу мақсадга эришишда хотин-қизлар, ёшлар, маҳалла маслаҳатчилари ўртасида мутахассислар билан суҳбатлар, турли семинарлар, дарс суҳбатлари, учрашувлар ўтказиш алоҳида аҳамият касб этмоқда. Бундан ташқари, аҳоли иштирокида уюштирилётган бошқа тадбирларда ҳам «Соғлом она — соғлом бола» ҳаракатининг мазмун-моҳияти ҳар томонлама очиб берилмоқда.

Хотин-қизлар кўмитаси соғлом оналик ва болаликни тарғиб қилиш бўйича ҳам изчил ишларни амалга ошириб келмоқда. Бу борада қатор лойиҳалар ҳаётга татбиқ этиляпти. Хавфсиз оналикни таъминлашга уммақлаштириш, хотин-қизларда касалликларнинг олдини олиш, ёш оналарда чакалоқни парваришда кўникмаларини ҳосил қилиш, аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини жорий этиш шуглар жумласидандир. Хотин-қизлар ва болаларни жисмоний тарбия ҳамда спортга жалб этишга оид оммавий тадбирлар ҳам ўтказилмоқда. Айниқсан, ҳам таъминланган оилалардаги хотин-қизлар ва фарзандларни, етим болаларни соғломлаштиришга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Шу мақсадда улар республикамиздаги сиҳаттоҳ ва соғломлаштириш оромгоҳларига бепул даволаниш учун юборилмоқда.

Ешларимиз ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, репродуктив саломатлигини сақлаш, соғлом оилани шакллантириш, турмуш қуришдан олдин тиббий кўриқдан ўтишининг аҳамияти, жинсий йўл орқали юқадиган касалликларнинг, ОИВ/ОИТС ва гнйехандлик каби иллатларнинг олдини олишга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Шу мақсадда улар республикамиздаги сиҳаттоҳ ва соғломлаштириш оромгоҳларига бепул даволаниш учун юборилмоқда.

Ешларимиз ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, репродуктив саломатлигини сақлаш, соғлом оилани шакллантириш, турмуш қуришдан олдин тиббий кўриқдан ўтишининг аҳамияти, жинсий йўл орқали юқадиган касалликларнинг, ОИВ/ОИТС ва гнйехандлик каби иллатларнинг олдини олишга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Шу мақсадда улар республикамиздаги сиҳаттоҳ ва соғломлаштириш оромгоҳларига бепул даволаниш учун юборилмоқда.

Муш куриши сабаб бўляётганини тушунтириш ишлари йўлга қўйилди. Утган йили мамлакатимизнинг олти ҳудуди — Бухоро, Қашқадарё, Тошкент, Фарғона, Хоразм вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасидан диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маҳалла маслаҳатчилари оилавий таълим дастури доирасида мурғак ёшдаги болаларни парваришда, гигиена маданиятини ошириш, репродуктив саломатлигини сақлаш, хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича ўйинтилди.

Вилоят, шаҳар ва туман ҳокимларининг ўринбосарлари — хотин-қизлар кўмиталари раислари учун Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси билан ҳамкорликда уларнинг оналик ҳамда болаликни иқтисодий муҳофизат қилиш соҳасидаги кўникмаларини оширишга қаратилган курслар ташкил этилди.

ХОТИН-ҚИЗЛАР СОҒЛИГИ — КЕЛАЖАК АВЛОД КАМОЛИ

МАМЛАКАТИМИЗДА ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВ ТАШАББУСИ БИЛАН «СОҒЛОМ ОНА — СОҒЛОМ БОЛА» ҲАРАКАТИ ТОБОРА КЕНГАЙИБ БОРМОҚДА. БУНДАН АСОСИЙ МАҚСАД СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ ВА СОҒЛОМ ОИЛНИ ШАКЛЛАНТИРИШ, ШУ АСОСДА ҲАР ТОМОНЛАМА БАРКАМОЛ АВЛОДНИ ВОЯГА ЕТКАЗИШДИР. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХОТИН-ҚИЗЛАР КЎМИТАСИ РАИСИНИНГ ЎРИНБОСАРИ НУРИЯ ТУРЕЕВА ЎЗА МУХБИРИГА УШБУ ВАЗИФАЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ БОРАСИДА ХОТИН-ҚИЗЛАР ТАШКИЛОТЛАРИ АМАЛГА ОШИРАЁТГАН ИШЛАР ҲАҚИДА СЎЗЛАБ БЕРДИ.

олишга доир билимларини ошириш ҳам муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Бу мақсадга эришишда хотин-қизлар кўмитаси ҳам фаол иштирок этмоқда. Юртбошимизнинг 2004 йил 25 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини кўллаб-қувватлаш бора-сидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони ушбу ишлар қўламини кенгайтиришга муҳим дастур берган бўлмоқда.

денти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси билан ҳамкорликда уларнинг оналик ҳамда болаликни иқтисодий муҳофизат қилиш соҳасидаги кўникмаларини оширишга қаратилган курслар ташкил этилди.

тин-қизлар кўмиталари, маҳаллалар маслаҳатчилари фаол иштирок этмоқда. Улар миллий қончилигини ратификация қилинган хотин-қизлар ва болаларнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоя қилишга доир халқаро ҳужжатларни тушунтиришга бағишланган тадбирларни ташкил қилмоқда.

амалга оширмоқда? — Ўзбекистонда бу масалада катта эътибор қаратишмоқда. Президент Исло Каримов раҳномалигида ушбу келаятган ёш авлодининг спортга оммавий жалб қилиш бўйича уч логонали тизим яратилди. Нафақат пойтахтимиз, балки чекка туманларда ҳам энг замонавий спорт мажмуалари барпо этилиб, уларда катталар ҳам, болалар ҳам спорт билан шугулланиши мумкин. Барча ўқув юртлари яхши жиҳозланган спорт заллари ва иншоотларига эга.

Бундай тадбирлар, шу жумладан, репродуктив саломатлик масалаларига таълоқли тадбирлар Ички ишлар ва Мудофаа вазирликларининг барча ҳарбий қисмларида, ўрта махсус ва олий ўқув юртларида ҳам ташкил этилди. Ҳарбий хизматчилар орасидан гнйехандлик ва ОИТСнинг олдини олиш бўйича 300 нафардан ортиқ мураббий тайёрланди. Энди улар ўз тенгқурлар билан «тенгма-тенг» тамойили асосида мустанки машғулотлар ўтказмоқда.

— Оилавий таълим дастури нечоғли кенг амалга ошириляётгани ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз. — Дастурнинг асосий мақсади маҳаллий ҳокимият органлари ва маҳаллаларни жалб этган ҳолда, оилаларнинг имкониятларини кенгайтириш, тиббий маданиятини юксалтириш орқали фарзандларни гудаклигидан тарбия қилиш кўникмаларини янада кучайтиришидир. БМТ Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) кўмағида республикамизнинг 6 ҳудудида оилавий таълим дастури бўйича мувофиқлаштириш кўмиталари ташкил этилди. Ушбу дастур бўйича ўқувда

— Узоқ йиллар ёш авлодга таълим-тарбия бердим. Ҳозирда маслаҳатчи вазифасида ишлаб келар эканман, аёлларга, ёш оналарга ва айниқсан ёшларга озгина бўлсада маслаҳатчи ва ҳаётий тажрибам керак бўляётганидан хурсанд бўлиб кетаман. Фарзандларим, набираларим бағрида эъзозда ашаётганим, камтарона меҳнатларим қадрланаятгани ва одамларга керак бўлганымдан беиҳсо бахтлиман.

Айниқсан, аёллар ва бўлгуси оналар — қизларимизнинг жисмоний тарбия ҳамда спорт билан мунтазам шугулланиши ниҳоятда аҳамиятга эга. Бу Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Барча вилоятларда бадий гимнастика, стол тенниси ва бадминтон секциялари ишлаб турибди. Хотин-қизларимизнинг Ўзбекистон Олимпия ҳаракатида иштирок этиш имкониятини кенгайтириш мақсадида Миллий олимпия кўмитаси ҳузурида «Аёл ва спорт» комиссияси ташкил этилди. Халқаро, республика, шунингдек, вилоят ва туман даражасида ҳам кўллаб муСОбақалар айнан хотин-қизлар учун ташкил этиляпти. Бу борадаги ишлар ўз натижасини бермоқда. Бугунги кунда мамлакатимизнинг шаҳар ва кишлоқларида истиқомат қилаётган 2,9 миллион нафардан ортиқ хотин-қиз жисмоний тарбия ҳамда спорт билан фаол шугулланмоқда. Сўнгги йилларда Хотин-қизлар кўмитаси Мада-



АДАБИЙ-МУСИҚИЙ АНЖУМАН

КУНИ КЕЧА ЎЗБЕК МИЛЛИЙ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ 2008 ЙИЛ 2 АПРЕЛДАГИ «ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ 2200 ЙИЛЛИГИНИ НИШОНЛАШГА ТАЙЁРГАРЛИК ҚИРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИ ИЖРОСИГА БАҒИШЛАНГАН КАТТА АДАБИЙ- МУСИҚИЙ АНЖУМАН БЎЛИБ ЎТДИ.

Шайхонтоҳур туман ҳокимлиги, туман хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шаҳар хотин-қизлар кўмитаси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирга туман маҳаллаларида истиқомат қилувчи, обод ва фаровон ҳаёт кечирishi, буюк давлат барпо этиш йўлида фидокорона меҳнат қилган, пойтахт ва туман иқтисодиёти, маънавий ҳаётига катта ҳисса қўшган фаол аёллар, хотин-қизлар комиссиялари раислари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, шунингдек, қорхона ва ташкилотлардан вакиллар тақлиф этилди.

Тадбирда сўз ошганлар, аввало Тошкент шаҳрининг кўна тарихи, пойтахти азинининг маданияти ўчоғи бўлиши ва ривожига муносиб ҳисса қўшган, халқимизнинг фаҳри, гурури ҳисобланмиш машҳур олимлар, шифокорлар, фан арбоблари, санъаткор, устоз, муаллимлар ҳақида гурур ва ифтихор билан сўз юритдилар. Шунингдек, Юртбошимиз бошчилигида бугунги кунда юр-

шида бўлишга, шунингдек, соғлом ва баркамол авлодини тарбиялаш ҳамда вояга етказишларига хизмат қилади.

Биз Фаҳрий ёрлик ва эсдалик совғасини гурур ва ифтихор билан олиб маҳалладошлари сафига қўшилган Хувайдо маҳалласининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Маъбулхон Раҳматуллаевни суҳбатга тортидик.

Умуммиллий дастур — амалда НОДАВЛАТ ТАЪЛИМ МАСКАНАЛАРИГА ЭЪТИБОР

ПОЙТАХТИМИЗДА НОДАВЛАТ МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МАСКАНАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН СЕМИНАР БЎЛИБ ЎТДИ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ ТОМОНИДАН ТАШКИЛ ЭТИЛГАН УШБУ ТАДБИРДА ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ, ВИЛОЯТЛАР ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАЛАРИ МУТАСАДДИЛАРИ, ПЕДАГОГЛАР, УСЛУБЧИЛАР ИШТИРОК ЭТДИ.

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Ф.Шоумаров Президентимиз Исло Каримов раҳномалигида ушбу келаятган ёш авлодининг ҳар томонлама соғлом ва баркамол инсонлар этиб вояга етказиш масаласи давлатимиз сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири этиб белгиланганини таъкидлади. Шу мақсадда ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонун, Қадрлар тайёрлаш Миллий дастури ва 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури ҳаётга ичкил таътиб этилмоқда.

Ватанга муҳаббат каби эзгу ғоялар асосида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Шайхонтоҳур туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Сурайёхон Пулатова. — Биз ҳам ана шу анъанадан келиб чиққан ҳолда туманимизнинг фаҳри ва эл эъзозидидаги фаол аёлларига шаҳар ва туман ҳокимлигининг Фаҳрий ёрлик ва эсдалик совғаларини топширдик. Уйлайманки, меҳр-муҳаббат ва эзгулик тимсолилари бўлган мунис аёлларимизга нисбатан эътибор ва кўрсатилаятган ғамхўрлик уларни янада катта ва хайрли ишлар бо-

Шавкат Қаҳҳоров олган суратлар

Шоира МУҲАМЕДОВА СУРАТЛАРДА: Ўзбек Миллий академик драма театрида бўлиб ўтган байрам тадбиридан лавҳалар

Назокат УСМОНОВА, ЎЗА МУХБИРИ

